Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

# Тошкент оқшоми

2015 йил 30 октябрь, жума

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 219 (13.032)

Баҳоси эркин нархда

## ЎЗБЕКИСТОНГА КАТТА РЕЖА ВА МАҚСАДЛАР БИЛАН БОРМОҚДАМИЗ

***Президентимиз Ислом Каримовнинг фармойишига мувофиқ жорий йил 5-6 ноябрь кунлари пойтахтимизда Халқаро инвестициявий форум бўлиб ўтади. Форум ташкилий қўмитасидан маълум қилишларича, бугунги кунгача 250 дан ортиқ хорижий компаниялар, халқаро иқтисодий ва молиявий тузилмаларнинг раҳбар ва вакиллари иштирок этиш истагини билдирган.***

ЎзА мухбирлари уларнинг айримлари билан интернет орқали боғланиб, мамлакатимиз тараққиёти ҳақидаги фикрлари, анжуман билан боғлиқ режа ва мақсадларини ёзиб олди.

**Карстен ХАСБАХ, “Siemens” компаниясининг Стратегия ва бизнес тараққиёти бўйича директори (Германия):**

– Ўзбекистоннинг изчил иқтисодий тараққиёти сўнгги ўн йил мобайнида мамлакат ялпи ички маҳсулот ҳажмининг мунтазам саккиз фоиздан юқори бўлаётганида ҳам яққол кўринмоқда. Бу халқ фаровонлигини оширишга, аҳоли яшаш тарзини янада яхшилашга хизмат қилмоқда. Ўзбекистон – улкан табиий ва интеллектуал салоҳиятга эга мамлакат. Ўзбекистон ўзининг жўғрофий жойлашуви ва иқтисодий имкониятлари билан хорижий сармоядорлар учун ғоят жозибадор.

“Siemens” компанияси Ўзбекистондаги офисини 1994 йилда очган. Ўтган йилларда мамлакатингиз билан ҳамкорликда кўплаб лойиҳаларни муваффақиятли амалга оширдик. Жумладан, Сирдарё иссиқлик электр станциясида иккита энергия блокини, Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Урганч шаҳарларидаги халқаро аэропортларни модернизация қилишда қатнашдик. Шифохоналарга замонавий томография ускуналари, Устюрт газ-кимё мажмуасига энергетика жиҳозлари етказиб бердик.

Халқаро инвестициявий форум Ўзбекистондаги истиқболли бизнес лойиҳаларни, ҳамкорлигимизни янада кенгайтириш истиқболларини муҳокама қилиш учун имконият яратади.

**Кшиштоф КОРЧАК, “Convert Energy” компаниясининг техникавий директори (Польша):**

– Компаниямиз энергетика соҳасида фаолият юритади. Ўзбекистон билан энергетика ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳаларида ҳамкорлик қилиб келяпмиз.

Ўзбекистонга катта режа ва мақсадлар билан бормоқдамиз. Халқаро форум доирасида “Ўзбекэнерго” акциядорлик жамияти билан ҳамкорликка оид шартнома имзолашни режалаштирганмиз. Бу бизга Ўзбекистонда сармоявий лойиҳаларни амалга ошириш, техника ва технологияларимизни олиб кириш имконини беради. Мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни янада кенгайтиришга хизмат қилади, деган умиддамиз.

**Барун Кумар СИНГХ, “Bimal Water Solutions” компанияси директори (Ҳиндистон):**

– Ўзбекистон иқтисодиёти барча соҳаларда изчил ривожланаётир. Мамлакатингизни муҳим ва истиқболли ҳамкор, деб ҳисоблаймиз. Чунки Ўзбекистонда хорижлик сармоядорлар учун қўшма лойиҳаларни амалга оширишда улкан имконият ва имтиёзлар яратилган.

Компаниямиз мева ва сабзавотларни қайта ишлаш технологияларини ишлаб чиқаради. Ўзбекистон билан ҳамкорлигимизни янада кенгайтириш учун катта имкониятлар мавжуд. Халқаро инвестициявий форум ана шу имкониятлардан тўлароқ фойдаланиш, ҳамкорликни ривожлантиришга хизмат қилади. Анжуман доирасида ушбу соҳада таклиф этилаётган лойиҳаларни ўрганиш, мамлакатингиздаги эркин индустриал зоналар фаолияти, у ерларда иш юритиш учун яратилган қулайлик ва имкониятлар билан танишиш ниятидамиз.

**Нодира МАНЗУРОВА, Ирода УМАРОВА ёзиб олди.**

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

### Ёшларга оид давлат сиёсати – амалда



***“Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, тижорат банклари, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, Фермерлар кенгаши, “Ҳунарманд” уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда тегишли ташкилотлар вакиллари, лойиҳанинг мамлакат босқичи иштирокчилари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.***

## ЮРТГА МАДАДКОР БЎЛИШ БАХТИ

**Ёшлар ижод саройида “Ёш тадбиркор – юртга мададкор” лойиҳаси ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.**

“Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий Кенгаши раиси Б.Ғаниев, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси раиси А.Шайхов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, ёшлар учун янги иш ўринлари яратиш, уларни тадбиркорликка кенг жалб этишга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади. “Ёш тадбиркор – юртга мададкор” лойиҳаси навқирон авлодни ижтимоий ҳимоялаш, уларда ишбилармонлик, бозор иқтисодиёти шароитида самарали фаолият олиб бориш кўникмаларини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2010 йил 28 июлдаги “Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони, 2014 йил 6 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”-ги Қарори бу борадаги ишлар самарадорлигини оширишда дастуруламал бўлаётир.

2008 йилдан буён анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган мазкур лойиҳада 40 мингдан зиёд ёш иштирок этди. 9 мингга яқин ёш тадбиркор 49 миллиард 502 миллион сўмдан ортиқ имтиёзли кредитлар олишга муваффақ бўлди.

Жорий йил лойиҳада иштирок этиш учун ўн минг саккиз юзга яқин йигит-қиздан аризалар келиб тушди.

Лойиҳа доирасида Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманида жойлашган “Камолот” ёшлар оромгоҳида ўтказилган уч кунлик ўқув-семинарда ёшларга малакали мутахассис-тренерлар, тижорат банклари ва ҳамкор ташкилотларнинг мутахассислари томонидан тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга оид қонунлар, бизнес-режа тузиш ва уни рўёбга чиқаришда банк кредитларидан фойдаланиш каби масалалар юзасидан тушунча ва тавсиялар берилди.

Ўқув давомида ёшларнинг саноат, ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги, сервис хизмати ва бошқа кўплаб йўналишларга оид бизнес лойиҳалари, ишбилармонлик кўникмалари баҳолаб борилди. Бунда таклиф этилган бизнес-режанинг иқтисодий кўрсаткичи, лойиҳанинг самарадорлиги ҳамда унинг кредит мақсадларига нечоғли мувофиқлигига алоҳида эътибор қаратилди.




Тадбирда ғолиб деб топилган 28 ёш тадбиркорга тижорат банкларидан имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи дипломлар топширилди. Яна беш иштирокчи “Қишлоқда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш”, “Энг яхши инновацион лойиҳа”, “Энг кўп иш ўрни яратган ёш тадбиркор”, “Ижтимоий тадбиркорликка йўналтирилган лойиҳа”, “Хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантиришга қаратилган лойиҳа” номинациялари бўйича рағбатлантирилди.

– Бундай эътибор бизни юксак мақсадларга ундайди, – дейди ЎзА мухбирига Тошкент давлат иқтисодиёт университети талабаси Муҳиддин Ражабов. – Танловга кўмир брикети ишлаб чиқаришга мўлжалланган мини-завод очиш бўйича лойиҳамни тақдим этгандим. Ушбу режам муносиб баҳоланиб, ғолиб бўлдим. Энди тижорат банкидан бериладиган имтиёзли кредит ҳисобига мини-завод очиш, янги иш ўринлари ташкил этиш ниятидаман.

– Бугунги кунда атроф-муҳит барқарорлиги ва аҳоли саломатлигига салбий таъсир этаётган экологик муаммолардан бири чиқиндилардир, – дейди танлов ғолиби, бухоролик Насим Чориев. – Юртимизда чиқиндиларни қайта ишлаш ва утилизация қилиш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Лойиҳамда чиқиндиларни қайта ишлаш эвазига маиший жиҳозлар ишлаб чиқариш кўзда тутилган. Ушбу йўналишда беш йилдан бери фаолият юритиб келмоқдамиз. Олти нафар ишчимиз бор. Тижорат банкларидан оладиган 45 миллион сўмлик имтиёзли кредитни янги технологиялар харид қилишга сарфлаймиз.

– Танловда нон ва нон маҳсулотларини замонавий технологиялар асосида ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш лойиҳаси билан қатнашдим, – дейди навоийлик ёш тадбиркор Мурoджон Ғиёсов. – Лойиҳа маъқулланганидан хурсандман. Унинг амалга оширилиши янги сифат ва турдаги маҳсулотлар тайёрлаш, ўнга яқин тенгдошларимни иш билан доимий таъминлаш имконини беради.

Тадбирда эстрада хонандалари ва ёш ижрочилар иштирокида концерт намойиш этилди.

**Дилшод КАРИМОВ**

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**● Сирдарёда 2015 йилнинг 9 ойида вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва энг муҳим устувор вазифалар ижросини таъминлаш чора-тадбирлари муҳокамасига бағишланган фаоллар йиғилиши бўлиб ўтди.**

**● Тошкент вилоятининг Оққўрғон туманида “Халқ депутатлари вилоят ва туман Кенгашлари депутатлари фаолиятини ташкил этиш, шунингдек, бошланғич партия ташкилотларининг ижтимоий-сиёсий соҳадаги вазифалари ва уларнинг самарадорлигини ошириш” мавзусида семинар бўлиб ўтди.**

**● Навоий вилоятининг Зарафшон шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати чегара қўшинларининг бир гуруҳ ҳарбий хизматчилари оиласига мўлжалланган 22 хонадондан иборат замонавий уй-жой фойдаланишга топширилди. Барпо этилган замонавий уйларда ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари учун барча шароит яратилган. Болалар ўйин майдончаси ҳарбийлар фарзандларини жуда хурсанд қилди.**

**● Ҳамид Олимжон номидаги Самарқанд вилоят мусиқали драма театри янги мавсумни янги спектакль намойиши билан бошлади. Театр режиссёри Баҳодир Назаров саҳнага қўйган “Разолат қурбонлари” спектаклида айрим ёшлар ва хотин-қизларнинг диний экстремистик гуруҳлар таъсирига тушиб қолиши ҳамда уларнинг аянчли тақдири, дин ниқоби остида ўзларининг ёвуз ниятларини амалга оширмоқчи бўлган тўдаларнинг кирдикорлари ҳақида ҳикоя қилинади.**

### ЖАҲОНДА

**● Португалия президенти Каваку Силва янги Вазирлар Маҳкамаси таркибини тасдиқлади. Унга кўра Педро Пасош Коэльо Бош вазир сифатида фаолиятини давом эттиради. Кеча Коэльо ва мамлакатнинг барча соҳалари бўйича вазирлари қасамёд қабул қилишди.**

**● Халқаро коинот станцияси (ХКС) экипажи аъзолари Скотт Келли ва Челл Линдрген очиқ коинотга чиқишди. Уларнинг борт ташқарисидаги ишлари 6,5 соат давом этиши кутилмоқда. NASA маълумотларига кўра, америкалик астронавтларнинг асосий вазифаси магнит альфа-спектрометр учун термоизоляцияли қобиқ ўрнатишдан иборат бўлади. Очиқ коинотга чиқиш якунланганидан сўнг бир неча соат ўтгач Келли 2007 йилда ўрнатилган NASA астронавтларининг бир экспедиция давомида орбитада бўлиш (215 кун) рекордини янгилайди.**

**● “Vimpelcom”нинг қадрсизланишидан Норвегиянинг Telenor телекоммуникация холдинги 2015 йилнинг учинчи чорагида 637,8 миллион доллар миқдорида зарар кўрди. Telenor октябрь ойи бошида, барча ижобий ва салбий жиҳатларни тарозига солиб кўриб, “Vimpelcom Ltd.”даги улушидан воз кечиш ҳақида қарор қабул қилганини эълон қилганди. Telenor холдинги “Vimpelcom”нинг унга тегишли барча акциялари — 33 фоиз оддий ёки 43 фоиз овозли акцияларни савдога қўйган.**

***Мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик ва фаровонлик сайёҳлик салоҳияти изчил ривожланишига кенг йўл очмоқда. Бугун Ўзбекистон тарихий ва маданий ёдгорликлар сони бўйича жаҳонда етакчи ўринларда туради. Бу Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида туризмни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани натижасидир.***

**Олий Мажлис Қонунчилик палатасида**

## ВАТАНИМИЗ САЙЁҲЛИК САЛОҲИЯТИ ВА ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАР

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида туризм фаолиятининг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштиришга бағишлаб ўтказилган семинарда шулар хусусида сўз юритилди. Қуйи палатанинг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси томонидан ташкил этилган тадбирда тегишли вазирлик ва идоралар, “Ўзбектуризм” миллий компанияси, Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш илмий- ишлаб чиқариш бош бошқармаси, соҳага кадрлар тайёрлаб бераётган олий ўқув юртлари, сайёҳлик фаолияти билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектлари вакиллари иштирок этди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари Н.Умаров ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида Ўзбекистоннинг халқаро туристик бозордаги ўрнини мустаҳкамлаш мақсадида изчил чора-тадбирлар амалга оширилганини таъкидлади. Хорижий ва ички туризмни ривожлантиришнинг истиқболли йўналишлари белгиланиб, кўп минг йиллик бебаҳо тарихий, маданий-маънавий меросимиз дунё аҳлига намойиш этиб келинмоқда.

Соҳанинг ҳуқуқий базаси такомиллаштириб борилаётгани туризм фаолиятини тартибга солиш ва ривожлантиришга хизмат қилмоқда. “Туризм тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни ва бошқа ҳужжатлар, халқаро ҳамкорликка оид тузилган ҳукуматлараро ва идоравий шартномалар, давлат дастурлари, шунингдек, ҳудудий дастурларни қабул қилиш амалиёти йўлга қўйилгани соҳани янада равнақ топтиришда муҳим аҳамият касб этаётир.

Сайёҳларга хизмат кўрсатиш сифатини жаҳон андозалари даражасида ташкил этишга қаратилган тизимли чора-тадбирлар натижасида 110 халқаро сайёҳлик йўналиши ташкил этилган. Халқаро туризмнинг муҳим йўналиши – Буюк Ипак йўлини қайта тиклаш, хорижий сайёҳларни кенг жалб этиш мақсадида бир қатор шаҳарларимизда халқаро туризм бўйича махсус очиқ иқтисодий минтақалар ташкил қилинди. Улардаги аэропортлар ва темир йўл вокзалларида сайёҳлар учун божхона расмийлаштирувининг халқаро меъёрларга мос соддалаштирилган тартиби, транзит сайёҳлар учун махсус божхона зоналари жорий қилинди.

Семинарда туризм ва туристик фаолиятга оид маъмурий бошқарув тизимини, соҳанинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштиришга оид фикр-мулоҳазалар билдирилди.

**Н.АБДУРАИМОВА, ЎзА мухбири**

8 декабрь – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни

# ИХТИРОЛАР ТАРАҚҚИЁТГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

**Ҳар кимга илмий ва техникавий ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи кафолатланади.**
Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, 42-моддасидан.

***Энергия таъминотининг барқарорлиги аҳоли турмуш фаровонлиги, иқтисодиёт ривожланишига хизмат қилади. Шу боис мамлакатимизда муқобил энергия манбалари, яъни қуёш, шамол, биогаз энергиясидан фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.***

Ёш олимларнинг энергия олиш борасидаги илмий изланишлари натижасида янги лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилмоқда. Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университети талабаси Сарвар Усмоналиев яратган шамол генератори ҳар томонлама қулайлиги билан ажралиб туради.

Магистраль йўлларни электр энергияси билан ёритишга мўлжалланган бу қурилма шамол ёрдамида ишлайди. Генератор асосан автомобиллар серқатнов бўлган йўллар четига, ер сатҳидан 4-5 метр баландликка ўрнатилади. Йўлда ҳосил бўлаётган шамол қурилманинг ишлашига ва электр энергияси ишлаб чиқишига туртки беради.

Изланувчан талаба жорий йилда "Юрт келажаги" республика кўрик-танловининг Тошкент шаҳар босқичида ғолибликни қўлга киритди.

– Юртимизда ёшларнинг қизиқиши бўйича касб-ҳунар танлаши, салоҳияти, иқтидорини тўлиқ намоён этиши учун барча имконият яратилган, – дейди Сарвар Усмоналиев. – Президентимиз Ислом Каримовнинг биз ёшларга қарата сизларга ишонаман ва суянаман, деган фикрлари доим бизга катта руҳ ва ишонч бағишлайди.

Абу Райҳон Беруний номидаги стипендия соҳиби Акбаржон Анваров ҳам янгилик яратишга иштиёқи баланд ёшлардан.

– Юртимизда турли ўсимлик қолдиқларини қайта ишлаб, янги маҳсулот олиш учун бой захира мавжуд, – дейди А.Анваров. – Мен устозларим кўмагида ғўзапояни қайта ишлашга мўлжалланган қурилма яратиш устида изланишлар олиб бордим. Ниҳоят яратилган қурилма орқали ғўзапояни қиздириш орқали ундан ёқилғи олишга муваффақ бўлдик. Биз уни пистакўмир деб атадик ва уни қишлоқ жойларда иситиш мақсадида қўллаш мумкин. Эътиборлиси, бу ёқилғи бошқа ёқилғилардан анча арзон тушади.

Мазкур ишланма жорий йилда ўтказилган Республика Инновацион ғоялар ва лойиҳалар ярмаркасида намойиш этилиб, олимлар ва иштирокчиларнинг эътиборига сазовор бўлди. Шу боис ушбу ихтирони жорий йилда амалиётга татбиқ этиш устида иш олиб борилмоқда.

Изланувчан талабалар эришаётган ютуқларда давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 15 июлдаги "Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори муҳим омил бўлмоқда. Чунки қарор ижроси доирасида нафақат ихтирочи олимлар, балки изланувчан ёшлар ҳам ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда.

Тошкент давлат техника университетида ташкил этилган Ўзбекистон ва Япония ёшларининг инновацион маркази талабаларни ихтиро қилишга илҳомлантирмоқда. Марказда техника тўгараклари фаолият кўрсатиб, инглиз тили сабоқлари бепул ўргатилади. Университетда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорликда ташкил этилган "Ёш инноваторлар" клуби ҳам ёшларнинг техникага оид билимларини бойитишга кўмаклашмоқда.

– Таълим муассасамизда техникавий ижодкорлик қилиш учун барча шарт-шароит яратилган. Ўқув хоналари ва лабораториялар замонавий жиҳозлар билан таъминланган, – дейди университетнинг илмий ишлар бўйича проректори Карима Норқулова. – Мунтазам равишда семинар-тренинглар, кўрик-танловлар ўтказилиб, лойиҳалар билан ишлаш бўйича машғулотлар олиб борилади. Натижада олимларимизнинг нафақат юртимиз, балки халқаро миқёсдаги танловлардаги иштироки кенгайиб бормоқда. Қувонарлиси, улар томонидан тайёрланган лойиҳалар юқори баҳоланмоқда. Сўнгги йилларда университетда яратилган икки юздан ортиқ лойиҳа амалиётга жорий этилди.

Бир сўз билан айтганда, университетда ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини юксалтириш ва юзага чиқариш учун барча имкониятлар яратилган. Бу Бош қомусимизда кафолатланган ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясига, юртимиз тараққиётига хизмат қилмоқда.

**Гўзал САТТОРОВА,**
**ЎзА мухбири**

***Тошкент Молия институтида "Kafolat sug'urta kompaniyasi" акциядорлик жамияти Тошкент шаҳар филиали билан ҳамкорликда "Innovatsion sug'urta markazi" ташкил этилди. Шу боис мазкур институтда марказнинг очилишига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.***

Олий ўқув юртларида

# ИННОВАЦИОН СУҒУРТА МАРКАЗИ ОЧИЛДИ

Мамлакатимизда иқтисодий барқарорликни таъминлаш, аҳолининг барча қатламларини ижтимоий ҳимоя қилишга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Бу жараёнда ҳозирда ривожланиб бораётган суғурта хизматлари соҳаси муҳим аҳамият касб этади. Шундай экан, аҳоли ва айниқса ёш авлоднинг суғурта маданиятини шакллантириш, уларга суғурта афзалликларини кенг тушунтириб бориш зарурлиги сўзга чиққанлар томонидан таъкидлаб ўтилди.

Тадбирда сўзга чиққанлар томонидан таъкидланганидек, мазкур марказ ёшлар ўртасида суғурта маданиятини янада шакллантириш, аҳолига кўрсатилаётган суғурта хизматлари сифатини ошириш ҳамда аҳолининг суғуртавий ҳимояланиш доирасини кенгайтириш мақсадида ташкил этилди.

– Марказ фаолиятининг асосий йўналишларидан бири замонавий суғурта бозорида истеъдодли, янгиликка интилувчан, интеллектуал жиҳатдан юқори савияга эга бўлган кадрларни тайёрлашдан иборатдир, – дейди "Kafolat sug'urta kompaniyasi" акциядорлик жамияти бошқаруви ахборот хизмати етакчи мутахассиси Меҳрибону Раимжонова. – Бу ерда ёшларнинг суғурта соҳасидаги сиёсий, маънавий-ахлоқий савияси ҳамда профессионал малакасини оширишлари учун барча шароитлар яратилган. Шунингдек, марказда суғурта соҳасининг етук мутахассисларини жалб этган ҳолда турли анжуманлар, семинар-тренинглар, давра суҳбатлари ва учрашувлар ташкил этилади. Бу эса ёшларнинг соҳага бўлган қизиқишларини янада оширади.

– "Innavatsion sug'urta markazi"нинг ташкил этилгани биз, талабалар учун жуда қувонарли бўлди, – дейди Тошкент Молия институти суғурта факультетининг иккинчи босқич талабаси Нилуфар Усмонова. – Сабаби, биз бу марказ орқали назарий ва амалий билимларимизни мустаҳкамлаб борамиз. Суғурта соҳасига етук кадрлар етказиб бериш ва ёшларнинг суғурта маданиятини оширишда мана шундай марказларнинг бўлиши муҳим аҳамият касб этади.

Ушбу марказ келгусида ёшларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, давлатимиз томонидан суғурта соҳасида яратилган имкониятлар, шарт-шароитларни ёшлар ўртасида кенг тарғиб этишда катта хизмат қилиши айтиб ўтилди.

**Абдуалим САЛИМОВ**

*Учтепа тумани ҳокимининг ҚАРОРИ*

## УЧТЕПА ТУМАНИДА ИЖТИМОИЙ МУҲОФАЗАГА МУҲТОЖ ВА ИШ ТОПИШДА ҚИЙНАЛАЁТГАН ШАХСЛАРНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ УЧУН ИШ ЎРИНЛАРИНИ 2016 ЙИЛ УЧУН БАНД ҚИЛИБ ҚЎЙИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги Қонунининг 17-моддасига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси 1998 йил 5-6-сон 97-модда), Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида"-ги (янги таҳрири) Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 25-моддасига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси 2008 йил 7-сон 353-модда), Ўзбекистон Республикаси "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги Қонуннинг 8-моддасига ("Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси", 2008 й. 4-сон, 190-модда), Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Аҳоли бандлигини ошириш ҳамда меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари фаолиятини takомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2007 йил 6 апрелдаги ПҚ-616-сон Қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил 15-сон 156-модда), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 20 августдаги 186-сон қарори билан тасдиқланган "Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш тартиби тўғрисида"ги Низомга (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил 34-сон 333-модда, 2010 йил 13-сон 96-модда, 2011 йил 1-2-сон 4-модда, 2012 йил 44-сон 507-модда) мувофиқ ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун 2015 йилга мўлжалланган банд қилиниши керак бўлган иш ўринлари сонини ва уларга қўйиладиган талабларни белгилаш бўйича туман махсус комиссиясининг 2015 йил 8 октябрдаги йиғилиш баёнини инобатга олиб,

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Учтепа туманида ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун тумандаги 153 та ташкилотларда аҳолининг қуйидаги тоифалари учун жами 1315,5 та иш ўринлари банд қилиб қўйилсин:

ёлғиз ота, ёлғиз она ва 14 ёшгача бўлган ногирон болалари бор кўп болали ота-оналар учун – болаларни тарбиялаш ва меҳнат мажбуриятлари бўйича вазифаларни уйғунлаштириш имконини берадиган, ўзгарувчан иш жадвалига эга бўлган иш ўринлари;

таълим муассасаларини тугатган ёшлар учун – уларнинг касб бўйича тайёргарлигига мувофиқ бўлган иш ўринлари;

муддатли ҳарбий хизматдан бўшатилган шахслар учун – уларнинг касб бўйича тайёргарлигига мувофиқ бўлган иш ўринлари;

ногиронлар учун – меҳнат шароитлари бўйича аттестациядан ўтказилган ҳамда ходимга иш жараёнларини тўсқинликсиз бажариш имконини (соғлиғининг аҳволи ва меҳнат фаолиятига нисбатан белгиланган зид кўрсаткичлар ҳисобга олинган ҳолда) берадиган иш ўринлари;

бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш туман марказида иш қидирувчи сифатида ҳисобда турган пенсия ёшига яқинлашиб қолган шахслар учун – махсус малакани талаб қилмайдиган иш ўринлари;

жазони ўташ муассасаларидан бўшатилган, жазони ўтаётган ёки суд қарорига кўра тиббий характердаги мажбурий чоралар кўрилган шахслар учун – уларнинг касб бўйича тайёргарлиги ҳисобга олингани ҳолдаги иш ўринлари, муайян касб-ҳунарга, малакага эга бўлмаган шахслар учун – махсус малакани талаб қилмайдиган иш ўринлари;

одам савдосидан жабрланганлар учун – уларнинг касби бўйича тайёргарлиги ҳисобга олинган ҳолдаги иш ўринлари, муайян касб-ҳунарга, малакага эга бўлмаган шахслар учун – махсус малакани талаб қилмайдиган иш ўринлари.

2. Учтепа туманида ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини 2016 йил учун банд қилиб қўйиш лозим бўлган ташкилотлар рўйхати иловага асосан тасдиқлансин.

3. Иш ўринларини банд қилувчи ташкилотлар раҳбарларига:

ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни иш билан таъминлаш учун 2015 йил якунланишидан 10 кун олдин банд қилинган иш жойлари умумий миқдорининг камида 25 фоизи учун, 2016 йилнинг 10 апрелидан кечикмай иш жойларининг қолган қисми 75 фоизини барпо этиш (ажратиш ёки банд қилиб қўйиш) тўғрисидаги, яъни ҳар бир тоифа бўйича иш ўринлари банд қилиб қўйиладиган касблар ва лавозимлар, мутахассисликлар кесимидаги маълумотларни ва қарор бўйича чиқарилган буйруқ нусхалари туман Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказига тақдим этилсин;

иловадаги шахслар учун иш ўринларининг санитария-гигиена нормалари ва меҳнат шароитларига мувофиқлаштирилиши таъминлансин.

4. Ушбу қарор ижроси бажарилмаган тақдирда ташкилотнинг мансабдор шахсларига "Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш тартиби тўғрисидаги Низом"нинг 15-бандига мувофиқ жарима солинади.

5. Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш қидиришда қийналаётган шахслар учун банд қилиб қўйиладиган иш ўринларини иловада белгиланган миқдордан ортиқча ташкил этган ташкилотлар ушбу иш ўринларини ташкил этишга сарфланган маблағларининг бир қисмини туман Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази билан тузилган шартнома асосида Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан қоплаш ҳуқуқига эга эканликлари инобатга олинсин.

6. Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази (Ж.Жуманиязов):

ташкилотлар раҳбарлари томонидан мазкур қарорни тўлиқ бажариш юзасидан қатъий назорат ўрнатилсин.

7. Ушбу қарор 2016 йил 1 январдан кучга киради.

8. Туман ҳокимининг 2014 йил 22 декабрдаги "Учтепа туманида ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини 2015 йилга банд қилиб қўйиш тўғрисида"ги 829-сонли қарори 2015 йил 31 декабрдан ўз кучини йўқотган деб топилсин.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари А.Каримбеков зиммасига юклансин.

**Учтепа тумани ҳокими**
**А.Досмухамедов**

*2015 йил 20 октябрь*

***Қарорнинг илова қисми билан Тошкент шаҳар ҳокимлигининг tashkent.uz сайти орқали танишиш мумкин.***

Фармон ва ижро

# ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК МАНФААТЛАРИ ЙЎЛИДА

***Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, бу йўлдаги тўсиқ ва ғовларни бартараф этиш мақсадида узоқни кўзлаб олиб борилаётган сиёсат самарасида бугунги кунда мазкур соҳа миллий иқтисодиётимизнинг чинакам таянчига айланди.***

Давлат органларининг хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятига аралашувини чеклашга доир изчил чоралар кўрилиб, иқтисодий ислоҳотларнинг меъёрий-ҳуқуқий базасини такомиллаштириш орқали ишбилармонлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш бўйича кенг кўламли имтиёз ва преференциялар тизими яратилганлиги бу жараёнда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 15 майдаги "Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони эса хусусий тадбиркорликнинг иқтисодиётимиздаги роли ва ўрнини тубдан ошириш, тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш йўлидаги тўсиқ ва чекловларга барҳам бериш, хусусий мулкнинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини янада ошириш учун қулай иқтисодий, ҳуқуқий шароит ва рағбатлар яратиш борасидаги ишларни янги босқичга олиб чиқди.

Фармон ижроси доирасида Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонун қабул қилинди.

Қабул қилинган мазкур Фармоннинг амалда тўғри татбиқ этилишини таъминлаш, тадбиркорлик субъектларига унинг мазмун-моҳиятини етказиш мақсадида туман солиқ инспекцияси томонидан Тошкент шаҳар Давлат солиқ бошқармаси ва туман ҳокимлиги билан ҳамкорликда шу давр мобайнида жами 50 дан ортиқ тарғибот-ташвиқот тадбирлари ўтказилди. Мирзо Улуғбек туман ДСИда ташкил этилган "Ишонч телефони" ва "Юридик ва жисмоний шахсларни қабул қилиш хонаси"га жорий йилнинг 9 ойи давомида 20 дан ортиқ мурожаатлар қилиниб, улар тегишли тартибда кўриб чиқилди. Шу давр мобайнида узоқ муддат фаолият кўрсатмаётган 93 та юридик шахсларнинг иш фаолияти тикланди.

Президентимиз таъбири билан айтганда тадбиркорлар фаолиятига ҳар қандай ноқонуний аралашув иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш бўйича давлат сиёсатига қарши қаратилган ҳаракат ҳисобланади ва бу борада мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини кучайтириш биринчи даражали аҳамиятга эга бўлиши лозим.

**Миршоҳид СУЛАЙМОНОВ,**
**Мирзо Улуғбек туман ДСИ бошлиғи ўринбосари**





Транспорт

# ЙЎЛОВЧИЛАРГА ҚУЛАЙЛИКЛАР ЯРАТИЛМОҚДА

***Ўзбекистон Миллий матбуот марказида "Тошкент метрополитени" унитар корхонаси томонидан метрополитенни модернизация қилиш ва моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, йўловчилар хавфсизлигини таъминлаш ва уларга сифатли хизмат кўрсатиш борасида амалга оширилаётган ишларга бағишланган матбуот анжумани ташкил этилди.***

Мамлакатимизда транспорт тизимини яхшилаш, хусусан, йўловчи ташишда аҳолига сифатли хизмат кўрсатиш ва уларнинг хавфсизлигини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада Тошкент метрополитенида ҳам бир қатор ишлар олиб борилаётир. Метрополитен вагонларини янгилаш, йўловчиларга қулайликлар яратиш, уларни хавфсиз ва ишончли тарзда манзилига етказиш, хизмат кўрсатиш маданиятини юксалтириш борасида кенг кўламли ишлар қилинмоқда.

Тадбирда таъкидланишича, поездларни модернизациялаш ишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада Тошкент йўловчи вагонларини қуриш ва таъмирлаш заводи билан шартнома имзоланган бўлиб, унга кўра ҳозирга қадар олтита вагоннинг ички ва ташқи кўриниши тўлиқ янгиланди. Бу билан вагонлардан фойдаланиш муддати яна 15 йилга узайтирилди. Вагонларни ёнғин хавфсизлиги талабларига тўла жавоб берадиган қилиб таъмирлаш ва янгитдан жиҳозлаш кейинги йилга ҳам режалаштирилган. Шунингдек, Чилонзор йўналишида ташқи кўриниши янгиланган поезд фойдаланишга топширилди, жорий йил охирига қадар яна бир ана шундай поезд ҳаракати йўлга қўйилади.

Поездлар йўлларини яхшилаш ва аҳолига қулайликлар яратиш борасида ҳам модернизация ишлари олиб борилмоқда. Жумладан, Чилонзор йўналишида 18 километр узунликдаги рельс, "Ҳамид Олимжон" бекатида 3 та эскалатор янгиланди.

Учта йўналишдан иборат бўлган Тошкент метрополитенининг умумий узунлиги 39 километрни ташкил этади. Ҳозирда ҳар куни 160-180 минг йўловчи мазкур транспорт хизматидан фойдаланиб келмоқда. Йўловчилар хавфсизлигини таъминлаш, уларни огоҳликка даъват этиш борасида тарғибот ишлари олиб борилмоқда. Бекатлар, ҳаракат таркиби вагонлари, метрополитеннинг бекат платформалари ва эскалаторларда огоҳликка чақирувчи ёзувлар, шиорлар ҳамда маълумотни автоматик эълон қилувчи тизимлар жорий қилинган.

Анжуманда журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб олишди.

**Абдували СОДИҚОВ**

